

---

## Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантиришда аҳолини рўйхатга олишнинг ўрни

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмаган. Аҳоли сонига, ёш-жинс таркибига кескин таъсир кўрсатган ўзгаришлар, республика ҳудудидаги аҳоли жойлашуви хусусиятлари ва бошқа ижтимоий-демографик ўзига хосликлар аҳолининг жорий ҳисобига оид мавжуд маълумотларни қўллашни сезиларли даражада чекламоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2015-йил 10-июндаги «2020-йилда аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар» резолюциясига таяниб, аъзо-давлатларни 2020-йилда Бутунжаҳон аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш дастури доирасида аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олишга тааллуқли халқаро ва ҳудудий тавсияларни инобатга олган ҳолда камида бир марта аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олишни ўтказишни қатъий даъват этади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 5-февралдаги аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепсияси қабул қилинди. Бунда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишнинг мақсади, асосий вазифалари ва босқичлари белгилаб қўйилган. Унга кўра аҳолини рўйхатга олиш мамлакатда яшовчи барча аҳолига тегишли бўлган демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил қилиш ва эълон қилишнинг ягона жараёнини ўз ичига олиб, аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи ҳисобланади ва у келгуси 10 — 30 йиллик ривожланишнинг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишончли пойдевор яратади, ҳудудларни ривожлантириш ва жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш бўйича сиёсий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур маълумотларни олиш имконини беради. У аҳоли сонини ишончли ҳисоблаш, шунингдек, аниқ белгилаб қўйилган ягона ҳисобга олиш даврида аҳолининг жинси, ёши, оилавий аҳоли, маълумоти даражаси, яшаш шароити, бандлиги, миллати, фуқаролиги ҳамда бошқа демографик, ижтимоий ва иқтисодий хусусиятлари бўйича яқка тартибда ҳисобга олиш ва батафсил тавсифлашнинг универсал усулини ишга солган ҳолда расмий статистика тизимида асосий рол ўйнайди.

**Фурқат туман статистика бўлими**

2022-06-01 18:33:19